



## HOSPITALITY TRADITIONS RELATED TO FOLK GAMES

**S.V. Yoldoshev**

Associate Professor, Department of History of Uzbekistan,  
Fergana State University  
Tashken, Uzbekistan

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Descriptive, historical-comparative analysis, ethnographic observation, ethnotourism, ecotourism, agrotourism, pilgrimage, game of the horse.

**Received:** 27.02.25

**Accepted:** 01.03.25

**Published:** 03.03.25

**Abstract:** In this article, the hospitality traditions, food, order and customs of the region, related to the game of ulak-kopkari from the popular folk games, are based as a factor in the development of ethnotourism.

## ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ МЕХМОНДЎСТЛИК АНЬАНАЛАРИ

**С.В. Йўлдошев**

Доцент, Ўзбекистон тарихи кафедраси,  
Фарғона давлат университети  
Тошкент, Ўзбекистон

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Kalit so'zlar:** Тавсифийлик, тарихий-киёсий таҳдил, этнографик кузатув, этнотуризм, экотуризм, агротуризм, зиёраттуризми, улоқ ўйини.

**Annotatsiya:** Мазкур мақолада оммавий халқ ўйинларидан улоқ-кўпкари ўйини билан боғлиқ минтақадаги меҳмондўстлик анъаналари, таомлари, тартиби ва одатлари этнотуризм ривожланишидаги омил сифатида асосланган.

## ТРАДИЦИИ ГОСТЕПРИИМСТВА, СВЯЗАННЫЕ С НАРОДНЫМИ ИГРАМИ

**С.В. Йулдошев**

Доцент кафедры истории Узбекистана,  
Ферганский государственный университет  
Ташкент, Узбекистан

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** описательность, историко-сравнительный анализ, этнографическое наблюдение, этнотуризм, этнографический

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются традиции гостеприимства в регионе, связанные с массовыми

экотуризм, агротуризм, паломнический туризм, улок-купкари.

народными играми, в частности, игрой улак-купкари, а также блюда, правила и обычаи, связанные с этой игрой, как фактор развития этнотуризма.

## **Кириш**

Дунё аҳолиси моддий фаровонлиги даражасининг ортиши дам олиш ва саёҳат қилишга бўлган эҳтиёжнинг кучайишига олиб келди. Бугунги кунда туризм жаҳон иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллади. Натижада, ҳар бир мамлакатда туризм ривожланишига хизмат қиласиган омиллар орқали сайёҳлар оқимини бошқариш зарурати вужудга келди. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам туристларнинг реклама ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, мавжуд инфратузилмани мукаммаллаштириш, туристлар хавфсизлигини таъминлаш стратегик мақсадлардан бирига айланди.

Ўзбекистонда бугунга қадар фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд бўлиб, моддий ва маънавий мерос ресурсларини кенг тарғиб этиш орқали республика минтақалари орасида рақобатни вужудга келтириш туризм ривожини ижобий натажаларга эришишини таъминлаш омилларидан биридир.

## **Тадқиқотнинг усувлари**

Мазкур тадқиқотимизнинг мақсади минтақамизда энг оммалашган ҳалқ ўйинлари орқали ички ва ташқи туризмнинг тарихий, маданий, иқтисодий-ижтимоӣ жараёнлар контекстида ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этишдир. Айниқса, оммавий ҳалқ ўйинларидан бўлган улоқ-кўпкарининг туризмнинг миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашдаги роли айрим минтақаларимиз кесимида тизимли ўрганишдир. Тадқиқотни ўрганишда тавсифийлик, тарихийлик, тарихий-қиёсий таҳлил, этнографик кузатув (интервью) каби илмий тадқиқот усувларидан фойдаланилган. Фарғона водий ўрганиш обьекти сифатида танлаб олинди. Даля ёзувлари минтақада истиқомат қилувчи 60 ёшдан юқори бўлган аҳоли қатламидан ўзбек, тожик, қирғиз миллатига мансуб отбоз ва чавондоз полvonлар танлаб олинди. Ҳалқ ўйинлари тарихий, этнографик, филологик, фалсафий, педагогик нуқтаи-назардан ўрганилган тадқиқотлар, тарихий манбалар, археологик ва этнографик материаллар, мақолалар, ҳисботларда акс этган маҳаллий ва хорижий муаллифлар ишларидан фойдаланилди. Ҳалқ ўйинлари масалалари, болалар ўйинларининг тарихи, уларнинг турлари, маънавий ва миллий қадриятларни мустаҳкамлашдаги ҳамда тарбиявий аҳамияти борасида тадқиқот олиб бордилар. Оммавий ҳалқ ўйинлари сирасига кирган улоқ-кўпкари ўйинининг туризмни ривожлантиришдаги омил сифатида алоҳида мавзуу сифатида ўрганилган эмас.

## **Натижалар**

Фарғона водийсида туризмнинг ривожланиш жараёнлари муаммосига оид бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган, хусусан, иқтисодчилар, географлар ва бошқа мутахасислар томонидан турли йўналишларда тадқиқ этишган. Бундай нашрлар қаторига Й.Усмонов, Н.Абдулаҳатов, С.Раҳмонов, М.Нурматов, М.Алиева, Х.Исмоилов, М.Саттор (1. Усмонов Й. 1995. – 95 б.; Абдулаҳатов Н., Ҳошимов Б. 1998. – 113 б.; Раҳмонов С. 1999. – 56 б.; Нурматов М. 2013. – 103 б.; Алиева М. 2013. – 400 б.; Исмоилов Х. 1991. 43 б.; Саттор М. 1993. 110 б.; Йўлдошев С.лар томонидан яратилган асарларни киритиш мумкин. Фарғона водийси кесимида туризмнинг иқтисодиётга таъсири, экотуризм, агротуризм, зиёраттуризми масалалари анча кенг ёритилган. Этнотуризм муаммолари алоҳида тармоқ сифатида шаклланганлиги Фарғона водийси мисолида маҳсус тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаган ҳамда тарихий ва этнологик жиҳатдан таҳлил қилинмаган.

Фарғона водийсида истиқомат қилувчи ўзбек, тожик, қирғиз миллатига мансуб аҳоли ўртасида “қўнок” бериш одати факат улоқли тўйлардагина амалга оширилиши. Бу одатни ўйин орқали ҳалқлар ўртасида трансформациялашув жараёни билан боғлаб, миллатларнинг ўзаро ҳамкорлик муносабатларини, тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи омил сифатида таҳлил қилиш.

Шу ўринда Фарғона водийсидаги аҳоли орасида узоқ ўтмишдан ҳозирга қадар оммалашиб келган улоқ ўйинининг бир қатор турлари ҳақида қисқача тасниф бериб ўтиш зарур. Тўй ва маъракаларда, ҳосил ва Наврўз байрамларида улоқ ўйинларининг ёппа қилиш (айланма), бир маррали, икки маррали, футбол, қоқма, шоғулоқ, бузоқ ёки эчки танали, ажратма каби турлари бўлиб, улар этнохудудий ва локал хусусиятларга эгадир. Оммавий томоша ўйинларида, яъни ҳосил, Наврўз байрамларида эса ҳудудий урф-одат бўйича турли шаклларда ўйналади. Бу ўйин шаклининг кўплиги ҳам оммавийлигини, иштирокчи ва томошабинлар салмоғини ортиши омили бўлиб хизмат қиласди. Биз мазкур мақоламиизда ўйин турларини эмас, балки у билан боғлиқ одатлардан бўлган “Қўнок” удуми тўғрисида фикр юритамиз.

Ҳаёт Исмоиловнинг “Ўзбек тўйлари” номли рисоласида келтирилган анъаналар, тартиблар бузилмаган ҳолда улоқ бериш тартиблари, қўноқ белгилаш, ўтказиш тартибларида ўзгаришлар кўзга ташланади(2. Исмоилов Х. 1991. 43 б.). Узоқ масофадан келиши мўлжалланган меҳмонларни кутиб олиш ва кузатиш ҳам олдиндан белгиланган. Бу ҳалқ тилида қўноқ меҳмон (қўним, жой) бериш деб аталади. Маъмуд Саттор “Қўнов” тартибини жуда чиройли тасвирлайди, яъни: “Қўнок” одати турли вилоятларда “қўниқ”, “қўнук”, “қўшхона” тарзида айтилади(3. Саттор М. 1993. 110. Б.). Бу удум кўпроқ тўй ва

мөхмөндорчилик одатлари билан ҳамкорликда, биргаликда ўтказилади. Одатда шаҳар, қишлоқларда тўй бўлганда узоқ-яқиндан мөхмон келади. Тўйга келган мөхмөнлар ёлғиз ўзлари эмас, бола-чақа, ошна-оғайни, от-улов билан келишлари табиий. Улар тўйнинг базмини ўтказиб, оқшом тунаб, эртаси ошга, сўнгра тўй муносабати билан ўтказиладиган кўпкари ва кураш маросимларида иштирок этадилар. Қўноқ одатида оқшом тўйнинг базмини ўтказиб келган ёки эртанги кўпкари ва кураш совринларига тайёрланган мөхмөнлар шу ерда хордиқ чиқариб, зиёфатини ёпиши ҳам мумкин.

Қўноқ тушган уй тўйхонадан келтирилган масалликдан қовурдок, шўрва, палов қилинади (худудий урф-одатларга қараб). Бунинг учун умумий қозондан гўшт-ёғ, сабзи-пиёз, нон ажратилади. Хуллас, овқатнинг хоми тўйхона божхонасидан олиниб, қўноқхонада ҳозирлашади. Қўноқхона соҳиби бу овқат-озиқни тайёрлаш, пишириб бериш, нон-чой, дастурхон, ўрин-кўрпа ва малолсиз тунаш учун жавобгардир. Чунки бирор хонадондан бирор қўноқ вакили тўйдан ранжиб, норози бўлиб кетадиган бўлса қўноқхона ва тўй эгаси учунгина эмас, балки бутун қишлоқ аҳли учун катта иснод ҳисобланади.

Қўноқ бўлишда мөхмөнлар сони 12 кишидан ошмаслиги қатъий белгиланган, сабаби мөхмөнларга тўй эгаси ёки айрим ҳолларда хонадон эгаси томонидан сўйиш (кўй ёки эчки) қилинганда 32 қисмга бўлинниб, пиширилган ва 12 мужжа (бўлак)га тақсимланган. Қўноқ фақат оти билан келган мөхмөнларга эмас, балки узоқ қўшни қишлоқлардан, бошқа вилоятлардан келган чавандозларга, ўз қишлоғининг оти ва чавандозини қўллаб-куватлаш учун келган мухлис мөхмөнларга ҳам қўшиб ҳисобланган. Бир қўноққа бир сўйиш (эчки ёки кўй) берилган. Хонадон аъзолари гўштдан бир мисқол ҳам истеъмол қилмаганлар. Сўйиш фақат мөхмөн ризқи ҳисобланиб, туркий халқларда мөхмөн ёки бирорнинг ризқига хиёнат оғир жиноят ҳисобланган ва ҳисобланади.

Улоқ ўйини бошланишидан олдин амалга ошириладиган сўнгги босқичдаги анъанавий удум “Қўноқ белгилаш” ёки “Қўноқ бериш” деб аталади. “Қўноқ бериш” одати ва қоидалари ҳам қадимий манбаларда келтирилган. Жумладан, “Туркестанский сборник”нинг 479-томида В.Фирсов “қўноқ бериш” одати тўғрисида қуйидагича, яъни туркий халқларда, айниқса, қирғиз аҳолиси ўртасида мөхмөнни кутиб олиш ва уни кўй ёки эчки сўйиб мөхмөн қилиши, мөхмөн учун қўйнинг дастлаб калла гўштини, кейинроқ қолган қисмини шўрва сифатида тортиқ қилишлари тўғрисида маълумот беради(4. Фирсов В. 1895. 99-103 с.).

Қўноқ белгилаш халқ байрамлари ва сайлларда эмас, тўй ва маъракаларда жорий қилинган. Бундай қўноқ бериш удуми қадимий урф-одатлар сирасига кирган бўлиб, турк олими Баҳаеддин Ўгел асарида ва бошқа тадқиқотчилар ишларида ҳам бу удум эслатиб

ўтилади(5. Bahaeddin Ōgel. 788. Б.). Баҳаеддин Ўгел Турк ҳоқонлиги даврида туркий халқларда сақланиб қолган қўноқ бериш удуми тўғрисида қўйидагича маълумотларни беради: Унда: Меҳмонга “куданка” ошида қўй берилиб, 12 мужжа(қисм)га бўлинганлиги ёзилади.(Бу ўринда сўйилган жониворга болта текизмасдан, факат пичноқ билан 12 қисмга бўлиниши мумкинлиги инобатга олинган.Й.С.). Агар меҳмонлар 24 киши бўлиб қолса ҳам 12 мужжага бўлинади. Гўшт тақсимланишида меҳмонларнинг ёши, лавозими, ҳурмати, албатта, инобатга олинади. Ҳар меҳмоннинг қўй гўштида ўз улуши бўлиб, уни бошқа тоифадаги кишига бериш ҳурматсизлик ҳисобланган.

Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона водийси, қўшни Қирғизистон, Тожикистон Республикалари худудларида яшовчи қирғиз ва қозоқ миллатига мансуб аҳоли ҳамда курама уруғлари орасида тансиқ таом сифатида биринчи сўйиш(қўй, эчки)нинг калла ва туёқлари тозаланиб, пиширилган ва меҳмонлар биргаликда истеъмол қилишган(6. Дала ёзувлари). Ҳатто мазкур одат водийнинг қирғиз миллатига мансуб аҳоли билан бир худудда истиқомат қилувчи ўзбек ва тожик миллатларига ҳам ўтган.

Бундай қўноқ бериш урф-одати Фарғона водийсидаги курама, қирғиз уруғларида ҳозирги кунда ҳам яхши сақланган. Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти Новқат тумани Эски Новқат қишлоғида истиқомат қилувчи Тожиматов Умаржон аканинг ҳикоясига кўра, калла гўштининг тақсимланишида ҳар бир қисмга алоҳида таъриф бериб борилади. Қўй калласининг истеъмол қилиш мумкин бўлган барча қисмларини ўтирган меҳмонларга teng тақсимланиб, таърифлар келтирилади: Жумладан,

Дастлаб қулоқ қисмидан тақсимот бошланади ва “доимо бир-бирилизни эшишиб, тушуниб юрайлик”, деб таърифланади.

Бет қисмидаги гўшт “доимо бетлашайлик, юзимиз юзимизга иссиқ бўлсин”, дея тарифланади.

Тилга ”доимо тиллашайлик, тил топиб яшайлик”, деган таъриф берилади.

Мия қисмига “фикrimiz бир бўлсин(7. Дала ёзувлари)”, деб дуолар айтилган ҳолда барча баҳам кўрган. Бу эса минтақадаги барча урғ, қавм, миллатларнинг бир-бирига меҳмондўстлиги, бир-бирига ҳурмат рамзи бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги маълумотлардан шу нарса кўринадики, калла гўштини азиз меҳмонга тортиқ қилиш одати жуда қадимдан сақланган урф-одатларимиздан биридир. Қадимги бобокалонларимиз дини-зардуштийлик давридан келаётган удумлардан бири қурбонлик учун сўйилган жон калласини даврада ўтирган кексалар олдига қўйишдир. Бу маълумотлардан шу нарса кўринадики, калла гўштини азиз меҳмонга тортиқ қилиш одати жуда қадимдан сақланган урф-одатларимиздан биридир.

Шундан сўнг 12 мужжага бўлиниб пиширилган гўшт мәҳмонларга тортиқ қилинган. Мәҳмонлар берилган ўз устихонини (ўзларига тегишли пишган гўштни) хоҳласалар шу ерда истеъмол қилганлар ёки ўzlари билан бирга олиб кетганлар. Бу қўноқ бериш удуми тўйдан олдин ўтказилган. Тўй куни эрталаб қўноқ эгаси бошчилигида мәҳмонлар тўйхонага боришган ва халқقا ёзилган дастурхонда иштирок этиб, сўнг улоқ ўйинида иштирок этганлар. Агар қўноқ улоқ ўйинидан сўнг бериладиган бўлса, қўноқ (мәҳмонлар жойлашган уй) эгаси тўй эгаси ўрнида мәҳмонларни кейинги тўй манзилига ёки уйига кузатиб қўйган. Улоқ ўйини иштирокчиларига қўноқ бериш икки хил тартибда амлга оширилади. Биринчи тартиб, улоқ ўйинидан бир кун олдин келган мәҳмонларга икки кунлик қўноқ берганлар. Иккинчиси тўй куни келганларга бир кунлик қўноқ берилади. Чавандозлар ҳаддан зиёд кўпайиб кетганда тўй хизматчилари хар бир гуруҳнинг, тўпнинг олдига бориб, уларнинг бошликларидан гуруҳнинг ётиб қолиш-қолмаслигини билиб олишади. Бир-бирини таниган, бирга келган мәҳмонларни бир жойга туширишга алоҳида эътибор берилади. Чунки улар бошқа-бошқа жойларга жойлашиб қолишининг олди олинган. Тўйбошилар улоқ(кўпкари)ни бошқариб бораётган ҳакамга келиб хисоб беришади. Ҳакам қўноқ(мәҳмон) тушираётганларни ҳам чақириб, қайси гуруҳ, кимнинг хонадонига тушишини аввалдан белгилаб берад.

Бундай қўноқ тартиби ҳозирги кунгача Тожикистон Республикасининг Ашт тумани худудларидағи қурама аҳоли ўртасида, Қирғизистон Республикасининг Жалолобод, Ўш, Баткент вилоятларида, Ўзбекистон Республикасининг Қўқон, Фарғона тумани атрофларида, Наманган ва Андижон вилоятларининг тоғ олди худудларида, Сирдарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида яхши сақланиб қолган(8. Дала ёзувлари). Тўй ва маъракаларда ўтказилиши мўлжалланган кичик ва катта улоқ ўйинларида узоқ масофалардан ўйинга иштирок этиш учун келган чавандозларни кутиб олиш, уларнинг отларига “қўноқ”(озуқа) бериш билан улоққа тайёргарлик босқичи якунига етади.

Улоқ ўйини кечроқ тугаган вақтларда ўша қишлоқ аҳолиси манзилига кеч қолган мәҳмонларни, чавандозларни нотаниш, бегона бўлсалар ҳам ўз хонадонларидан жой бериб, мәҳмон қилиб, сўнгра кузатиб қўядилар. Чавандозлар, полвонлар одатда бундай қўноқ бўлишни жуда-жуда қадрлайдилар. Чунки, шу баҳонада қўнгилларида ётган дардларини ўртага ташлайдилар, гурунглashedилар. Эрталабгача давом этадиган бундай гурунгларда фақатгина еб-ичиб, мәҳмон бўлиб ётишгина эмас, дунё ва одамлар, отлар ҳақида фикри бир жойдан чиқадиган кишиларнинг кўнгил ёришлари учун қулай бир имкониятдир. Бу ҳолат барча туркий халқларнинг, айниқса ўзбек халқининг мәҳмондўстлик қадриятининг яққол кўринишидир.

## Муҳокама

Улоқ ўйинлари халқимиз орасида энг кенг тарқалган ва оммалашган ўйинлар сирасига киради.

-Халқимизнинг моддий ва маънавий турмуши, миллий ўзига хослигини акс эттирувчи улоқ ўйинлари уч минг йиллик тарих давомида сайқалланиб, геохудудий жойлашувига қараб локал ҳусусиятларини сақлаб келган маънавий қадриятларнинг таркибий қисмидир. Фарғона водийси табиий-географик жойлашуви, иқлимининг мўтадиллиги қаби кўпдан-кўп омиллар айнан ўйинлардаги локал ҳусусиятларни яққол намоён этади, деган хulosаларга келиш мумкин.

-Халқимизнинг оммавий сайт-томушалари, маросимлари ҳам ўйинларсиз ўтмайди. Шу боис улоқ ўйинларини ўрганиш халқ рухияти ва маданий ҳаётининг ўзига хос жиҳатларини англашга имкон беради.

- Этник жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган, тарихан бир муҳитда яшаб, ўтмиш маданияти бир заминда вужудга келган, бироқ айни пайтда мустакил республикалар худудида истиқомат қилаётган аҳолиси ўртасида бирдек тарқалган, оммалашган улоқ ўйини турларининг тарихий илдизларини ўрганиш жараёнида этнохудудий мансублик ва локал ҳусусиятлар билан бирга улоқ ўйинининг ҳар қандай тури учун бирдек хос бўлган жиҳатлар ҳам талайгина.

-Ўзбекистон ва қўшни давлатларда уюштирилаётган улоқ ўйинларида тартиб қоидалари, қоида бузилиши (ғирром) ҳолатлари барча ҳудуд ва улоқ турларида умумийликка эга.

- Улоқ ўйинининг бундай ўхшашлиги юқорида санаб ўтилган ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг урф-одати, хўжалик ҳаётининг яқинлиги билан изоҳланади. Чунки, ҳудудий жиҳатдан фарқ қилса-да, айнан ўзбек, қирғиз, тожик, қозоқ халқлари истиқомат қилувчи ҳудудларда улоқ ўйини ўтказиш оммавий ўйин сифатида яхши сақланиб қолган. Улоқ ўйинининг умумий қонун-қоидалари ҳалоллик, мардлик талаблари, ғирромликка йўл қўймаслик шартлари, мазмуни, аҳамияти бирдек хос бўлиб, фақат ўтказиш шакли ва турларида локал ҳусусиятлар сезилиб туради.

- Фарғона водийсида истиқомат қилувчи ўзбек, тожик халқларида, айниқса, қирғиз аҳолиси ўртасида меҳмонни кутиб олиш ва албатта, бир қўй ёки эчки сўйиб меҳмон қилиши, меҳмон учун қўйнинг дастлаб калла гўшти, кейинроқ қолган қисми ва шўрва тортиқ қилишлари бирдек хос. Лекин ўзбек, тожик миллатига мансуб аҳоли ўртасида “қўноқ” бериш одати фақат улоқли тўйлардагина амалга оширилади. Бу одатни ўйин орқали халқлар ўртаси трансформациялашув жараёни билан боғлаш мумкин. “Қўноқ”

бериш одатини миллатларнинг ўзаро ҳамкорлик муносабатларини, тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи омил сифатида эътироф этиш керак.

-Фарғона водийси аҳолисининг “қўноқ” удуми билан боғлиқ маросимларни ўрганиш, тадқиқ этиш ўзбек халқи этногенези, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва маданиятини, ўзбек менталитетига хос бўлган меҳмондўстлик ҳарактерини очиб бериш учун муҳим манбадир.

### **Хулоса**

Хулоса қилиб айтганда Фарғона водийси аҳолисининг улоқ ўйини турлари, у билан боғлиқ маросимлари асрлар мобайнида такомиллашиб, ривожланиб ўзининг асосий кўринишларини сақлаган ҳолда ҳанузгача давом этиб келмоқда. Бу эса Фарғона водийси аҳолисининг тарихи, ўтмиши, этномиллий маданияти, маънавияти юксак даражада эканлигини исботлайди. Шунинг учун ҳам улоқ ўйинлари билан боғлиқ урф-одат ва маросимларини тарихий-этнографик аспектда ўрганиш ўзининг муҳим илмий-амалий аҳамиятини йўқотмаган мавзулар сирасига киради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, юртимиизда туризмни оммавий ҳалқ ўйинларидан бўлган улоқ қўпкари билан боғлиқ одатларни замонавийлаштириш, унинг оммавийлигини кенг тарғиб қилиш орқали ички ташқи туризм соҳаси ривожлантиришга хисса қўшишади деган хулосага келиш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:**

1. Усмонов Й. Жаннат боғи. – Фарғона:, Фарғона, 1995. – 95 б.;
2. Абдулаҳатов Н., Ҳошимов Б. Аҳмад ал Фарғоний. – Фарғона:, Фарғона, 1998. – 113 б.;
3. Раҳмонов С. Асака. – Т:, Ўзбекистон, 1999. – 56 б.; Нурматов М. Ўзбекистонда миллий хунармандчилик ва туризмнинг ривожлантиришнинг ижтимоий-географик хусусиятлари” (Фарғона минтақаси мисолида). – Т:, Фан, 2013. – 103 б.;
4. Алиева М. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида туризм хизматлари соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари. – Т:, Фан, 2013. – 400 б.;
5. Сўфиев Ў. Сўхнома. – Фарғона:, Фарғона, 2013. – 156 б.;
6. Анарбаев А. А. Ахсикет – столица древней Ферганы. – Т:, Tafakkur, 2013. – 435 с;
7. Раҳматуллаев Ш. Фарғона водийси шаҳарларида иқтисодий трансформацион жараёнлари (1991–1996 йиллар). – Т., Тошкент. 2017. –158 б.
8. Х.Исмоилов Ўзбек тўйлари. – Т., Ўзбекистон. 1991. 43 б.; М.Саттор Ўзбек удумлари. – Т., Фан. 1993. –Б.110.;
9. Yuldashev, S. V. (2021). Pedagogical Analysis And Methodology Of Children's Games.

The American Journal Of Social Science And Education Innovations, 3(11), 36-40.;

10. Valievich, Y. S. (2020). Children's Games As An Important Factor In The Upbringing Of A Harmonious Generation. European Journal Of Research And Reflection In Educational Sciences Vol, 8(9).

11. Одилов, Б. (2024). НЕКОТОРЫЕ КОММЕНТАРИИ О ВОЗМОЖНОСТЯХ РАЗВИТИЯ ЭТНОТУРИЗМА (НА ПРИМЕРЕ НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ, ЯНГИКУРГАНСКОГО РАЙОНА). *Science and innovation*, 3(Special Issue 46), 507-510.

12. Zokirov, B. (2024). THE ROLE OF NATIONAL-CULTURAL TRADITIONS AND INTANGIBLE CULTURAL HERITAGE IN THE DEVELOPMENT OF ETHNO TOURISM. *Science and innovation*, 3(Special Issue 46), 794-796.

13. Саттор М. Ўзбек удумлари. Т.,Фан. 1993. –Б.110.

14. Фирсов В. Туркестан и Туркестанская породы лошадей.Туркестанский сборник. 1895.T.479-C. 99-103.

15. Bahaeeddin Ögel (prof. Dr) Dünden bu'güne. Türk Kültürüünün Gelişme Çağları. Türk Dünyası Araştırmaları Vakfı. – Istanbul, 1998. – 788 b.

16. Дала ёзувлари. Юлдошев Валижонхожи отбоз.1937 йил Фарғона вилояти Учқўприк тумани Сариқўргон қишлоғида туғилган, миллати ўзбек. 2004.;

17. Дала ёзувлари. Зокиров Усмонжон отбоз 1940 йил Фарғона вилояти Данғара тумани Найманча Қ.Ф.Й.да туғилган, миллати ўзбек.;

18. Дала ёзувлари. Султонов Ўринбойполвон 1960 йил Сурхондарё вилояти Шеробод туманида туғилган, миллати ўзбек.;

19. Дала ёзувлари. Бойзақов Қўчқорполвон 1945 йил Қирғизистон Республикаси Олабуқа тумани Сумсар қишлоғида туғилган, миллати қирғиз.;

20. Дала ёзувлари. Тожиматов Умаржон 1946 йил Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти Новқат тумани Эски Новқат қишлоғида туғилган, миллати ўзбек. 2006.